

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВ АКМАЛ ГУЛАМЖАНОВИЧ

**ИДИОМАТИК ҚЎШМА СЎЗЛАРНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ
АСПЕКТИ
(ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Юлдашев Акмал Гуламжанович

Идиоматик қўшма сўзларнинг лингвокогнитив аспекти
(инглиз ва ўзбек тиллари мисолида).....3

Юлдашев Акмал Гуламжанович

Лингвокогнитивный аспект идиоматичных сложных слов (на материале
английского и узбекского языков).....21

Akmal Yuldashev Gulamjanovich

Linguocognitive aspect of idiomatic compound words (on the material of the
English and Uzbek languages).....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВ АКМАЛ ГУЛАМЖАНОВИЧ

**ИДИОМАТИК ҚЎШМА СЎЗЛАРНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ
АСПЕКТИ
(ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fil10 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг <http://www.tashgiv.uz/> ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тешабаева Дилфуза Муминовна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Сафаров Шаҳриёр Сафарович
филология фанлари доктори, профессор

Иброҳимхўжаев Исмоилхўжа Иброҳимхўжаевич
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Қ.Ш. Омонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.ф.д., доцент

Г.Х.Боқиева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигининг структур-функционал босқичида асосий эътибор тилни тизимли ўрганишга қаратилди. XX аср охирига келиб тилни ундан фойдаланувчи шахс омили билан боғлиқ ҳолда ўрганувчи илмий парадигма – антропоцентризмга эътиборнинг кучайиши натижасида тилшуносликда ҳал қилиниши лозим бўлган қатор муаммолар юзага келди. Жумладан, тил бирликларини нутқий вазият, тил эгаларининг руҳияти, олам ҳақидаги билимлари, интеллектуал салоҳияти, ассоциатив тафаккури, миллий-маданий қарашлари каби экстралингвистик омиллар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш ғояси марказий ўринга чиқди.

Ўзбек тилшунослигида яратилган бир қатор тадқиқотларда тилни когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш ҳақидаги илмий қарашлар концептуал таҳлил орқали кўрсатиб берилди. Тил бирликларини жумладан, идиоматик қўшма сўзларда когнитив механизмларнинг ўрни ва уларнинг тил бирликлари орқали вербаллашуви муаммосини ўрганиш ана шундай илмий қарашларни янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Тил эгалари томонидан олам манзарасининг турлича идрок қилиниши унинг тилда ҳам ўзига хос кўринишларда вербал ифода топишига олиб келади. Хусусан, идиоматик қўшма сўзларнинг чоғиштира таҳлили қардош бўлмаган инглиз ва ўзбек халқларининг олам манзарасини тасаввур қилиши, идрок этиш даражасини ўрганиш учун типологик умумийликни ва фарқни белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Идиоматик қўшма сўзлар инсон когницияси маҳсули сифатида тил эгаларининг олам ҳақидаги билимларини сақлаш ва узатиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Идиоматик қўшма сўзлар таркибида бир неча бирликнинг мавжудлиги уларнинг тилдаги тежамкорлик тамойилини ўзида мужассам этишини кўрсатади. Турли тилларга хос идиоматик қўшма сўзларнинг когнитив асосини ўрганиш ташқи олам ва унинг вербал ифодаси, тил ва тафаккур муносабати масаласига ойдинлик киритишга ёрдам беради, шу билан бир қаторда, тилшуносликда идиоматик қўшма сўзларни ўрганишга когнитив ёндашув муаммосини юзага чиқаради. Идиоматик қўшма сўзларнинг инглиз ва ўзбек тиллари мисолида ўрганилиши мазкур муаммонинг чоғиштира аспектдаги когнитив тилшунослик учун ниҳоятда долзарблигини кўрсатади.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги 124-сон қарори ва унинг «Таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг чет тиллар бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар» иловаси

ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инглиз ва ўзбек тилларидаги қўшма сўзларнинг тил бирлиги сифатидаги мақоми, ясалиши масаласига Г.Марчанд, Л. Бауэр, Р. Лизбер, Г. Каннон, Э. Бенвенист, И. Плаг ва А.Ғуломовлар томонидан умумий тавсиф берилган¹. Қўшма сўзлар тадқиқот объекти сифатида А. Ҳожиёв, Б. Мадалиёв, И. Иброҳимхўжаёв, Н. Маматов, О.Д. Мешков, Е.А. Дюжикова, Н.В. Аржанцева, Т.Б. Авдеева, К.Тўхтаева, Н.А. Шток, И. Тўхтасинов, А.Ю. Феденколар томонидан махсус ўрганилган.²

Р.С. Гаманко инглиз тилидаги идиоматик белгилар сўзларнинг ўзига хос функционал хусусиятларини ноидиоматик сўзлар билан таққослаш асосида очиқ берган. Л.Х. Галимова татар ва инглиз тилларидаги идиоматик сўзларда акс этган оламнинг лисоний манзарасини тадқиқ этиш асосида бу сўзларнинг миллий-маданий белгиларини чоғиштириб ўрганган.

О.Е. Афоненко ОАВ материаллари мисолида инглиз тилининг Канада вариантыда учрайдиган идиоматик қўшма сўз ва сўз бирикмаларини махсус тадқиқ этган. О.В. Батурина рус тилидаги идиоматиклик ҳодисасини микологик (замбуруғлар ҳақидаги фан) лексика материалида тадқиқ этган.³ Умуман,

¹ Marcand H. The Categories and Types of Present-day English Word-formation. – Munchen: Deutscher Taschenbuch Verlag, 1969; Bauer L. The Grammar of Nominal Compounding with Special Reference to Danish, English and French. – Odense: Odense University Press, 1978. – 250 p.; Bauer L. English word-formation – Cambridge: Cambridge University Press, 1983. – 311 p.; Lieber R. The suffix – ize in English: implications for morphology // Morphology and its Relation to phonology and Syntax. – Standford: CSLI Publications, 1998 p. 12-33.; Canon G. Historical change and English word-formation. – New York: Peter Lang publishing Inc., 2002 (1986); Бенвенист Э. Общая лингвистика. – 2-е изд., стереотип. – М.: Эдиториал УРСС, 2002. – 448 с.; Plag I. Word formation in English. – Cambridge: Cambridge University Press, 2002. – 264 p.; Ғуломов А. Ўзбек тилида сўз ясалиш йўллари ҳақида // Тил ва адабиёт институти асарлари. I қ. – Т.: Фан, 1949. – Б.34;

² Ҳожиёв А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва тақрорий сўзлар. – Т.: Фан, 1963. – 146 б.; Мадалиёв Б. Ўзбек тилида қўшма сўзлар. – Т.: Фан, 1966. – 175 б.; Ибрагимхўжаёв И. Сложение как способ образования новых и окказиональных слов в современном английском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1979. – 26 с.; Маматов Н. Ўзбек тилида қўшма сўзлар. – Т.: Фан, 1982. – 233 б.; Мешков О.Д. Словосложение в современном английском языке. – М.: Высшая школа. 1985. – 187 с.; Дюжикова Е.А. Метафора в словосложении. – Владивосток: Изд-во Дальневост. ун-та. 1990. – 156 с.; Аржанцева Н.В. Сложные слова со вторым компонентом – отглагольным существительным в немецком и английском языках и их соответствия в русском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Казань, 2004. – 214с.; Авдеева Т.Б. Словосложение коллоквиальных существительных в современном английском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Армавир: 2006. – 19 с.; Тухтаева К. Д. Структурные и семантико-номинативные характеристики сложных слов, входящих в состав фразеологизмов (на материале английского языка): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 2006. – 19 б.; Шток Н. А. Когнитивные механизмы формирования новых сложных существительных в современном английском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. Калининград, 2008. – 25 с.; Тухтасинов И. Лингвокультурологические и гендерные особенности сложных слов в художественном тексте (ни материале английского и узбекского языков): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т.: УЗГУМЯ, 2011 – 25 с.; Феденко А.Ю. Двухкомпонентные сложные существительные как модели репрезентации знаний о человеке и артефактах в современном английском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тамбов: ТГУ имени Г.Р. Державина, 2015. – 24 с.

³ Гаманко Р.С. Структурно-семантические и функциональные свойства идиоматических слов английского языка: Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. – Самара: СГПУ, 2008. – 25 с.; Галимова Л.Х. Идиоматическое словообразование татарского и английского языков в свете языковой картины мира: Автореф. дисс. ... канд. фил.

тилшуносликда кўшма сўзларда идиоматиклик ходисаси, унинг моҳияти юзасидан назарий қарашлар шаклланган. Бироқ идиоматик кўшма сўзларнинг концептуал хоссалари, уларнинг оламни лисоний акс эттиришдаги хусусиятлари муаммоси махсус монографик планда тадқиқ этилмаган. Айниқса, бу муаммо инглиз ва ўзбек тиллари мисолида чоғиштириб ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг «Лингвистика ва хорижий тилларни ўқитиш самарадорлигини оширишнинг назарияси ва амалиёти» мавзусида олиб борилаётган истиқболли илмий тадқиқот ишлари режасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ҳамда ўзбек тилларидаги идиоматик кўшма сўзларни лексик-семантик ва лингвокогнитив аспектда тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тилшуносликда кўшма сўзларнинг ўрганилганлик ҳолатини таҳлил қилиш;

кўшма сўзларнинг идиоматиклик табиатини аниқлаш ҳамда чоғиштирилаётган тиллардаги кўшма сўзларда идиоматиклик даражасини белгилаш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги идиоматик кўшма сўзларни семантик жиҳатдан таҳлил қилиш, кўшма сўз қисмларининг таркибий-семантик асосланганлик даражасини ўрганиш;

инглиз ва ўзбек тилларида идиоматик кўшма сўзларни концептуал-деривацион жиҳатдан таҳлил қилиш;

идиоматик кўшма сўзларнинг ясалишидаги когнитив механизмлар сифатида концептуал метафора, концептуал метонимия ва метафтонимия ходисасини ёритиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги идиоматик кўшма сўзларнинг когнитив моделларини белгилаш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги идиоматик кўшма сўзларнинг олам лисоний манзарасидаги ўрнини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги идиоматик кўшма сўзлар белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети инглиз ва ўзбек тилларидаги идиоматик кўшма сўзларнинг когнитив аспекти, олам лисоний манзарасидаги ўрни.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида когнитив-семантик, когнитив моделлаштириш, концептуал-деривацион таҳлил, қиёсий-типологик, статистик методлар қўлланилди.

наук. – Казань: КГУ, 2007. – 18 с.; Афоненко О.Е. Идиоматичность сложных слов и словосочетаний структурного типа N+N (на материале газетно-журнальных публикаций канадского варианта современного английского языка): Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. – Н.Новгород: НГЛУ им. Н.А. Добролюбова, 2002. – 24 с.; Батурина О.В. Идиоматичность словообразовательной формы (на материале микологической лексики русского языка): Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. – Кемерово: КГУ, 2004. – 23 с.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида қўшма сўзларнинг структур-семантикасида идиоматиклик ҳодисаси чоғиштира аспектда илмий асосланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги идиоматик қўшма сўзларнинг концептуал белгиси деривацион хусусиятлари билан алоқадорлиги исботланган;

концептуал метафора, концептуал метонимия ҳамда метафтонимия идиоматик қўшма сўзлар ясалишининг когнитив механизмлари эканлиги далилланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги идиоматик қўшма сўзларнинг когнитив моделлари *манба*, *восита* ва *мақсад* майдон тамойилида ишлаб чиқилган;

оламнинг лисоний манзарасини акс эттиришда инглиз ва ўзбек тилларидаги идиоматик қўшма сўзларнинг универсал ва уникал жиҳатлари далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Идиоматик қўшма сўзларнинг когнитив хусусиятларининг чоғиштира таҳлили икки миллат дунёқараши, оламни идрок этишининг ўзига хослиги, тил ўрганувчиларда миллатлараро компетенцияни шакллантиришга хизмат қилиши исботланган;

Идиоматик қўшма сўзлардан фойдаланиш чет тилларни ўқитишнинг мазмунига, Давлат таълим стандарти, ўқув дастурлари ва дарсликларга интеграцион тарзда сингдирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда замонавий тилшуносликда қўлланилаётган тадқиқ усуллари асосида мавзу бўйича илмий асосланган назарий хулосалар чиқарилди, инглиз ва ўзбек тиллари материалларидан саралаб олинган мисолларни таҳлил қилиш орқали идиоматик қўшма сўзларнинг концептуал хусусиятларига доир умумлашма назарий хулосалар баён этилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот когнитив аспектдаги қиёсий тилшуносликнинг шаклланишига йўл очади, унинг натижалари тилшуносликни инглиз ва ўзбек тилларидаги идиоматик қўшма сўзларнинг тил тизимидаги мавқеи, когнитив асоси, миллий-маданий белгилари ҳақида илмий-назарий билимлар билан бойитади; ишда қўлланилган методлар чоғиштира ҳамда когнитив тилшуносликнинг тадқиқот тамойилларини янада кенгайтиради. Диссертацияда келтирилган назарий хулосалар инглиз ва ўзбек тилларидаги идиоматик қўшма сўзларнинг функционал-семантик ва когнитив хусусиятларини ёритишда келгуси тадқиқотлар учун илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари филология йўналишида таҳсил олаётган талабалар, тадқиқотчилар ва таржимонлар учун амалий қўлланма вазифасини ўтайди; ундан лексикология, чоғиштира тилшунослик, когнитив тилшунослик фанлари бўйича маъруза матнларини тузишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари фаннинг қуйидаги соҳаларига жорий этилди:

таълим муассасаларида чет тилларини ўрганиш жараёнида идиоматик қўшма сўзлардан фойдаланишга доир хулосалар Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сон «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат

таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда фойдаланилди ва уларнинг мазмунига сингдирилди. Тадқиқот натижаларидан умумий ўрта таълим мактаблари учун инглиз тилидан ўқув дастурларини ишлаб чиқишда 3-синф инглиз дарслигининг 6-бўлими ва 3-4-синф дарслик мажмуаларининг луғатини яратишда фойдаланилди (Халқ таълими вазирлиги Республика таълим марказининг 2016 йил 16 декабрдаги 01/11–02/07-1364 сонли маълумотномаси). Умумий ўрта таълим мактабларида ушбу дарсликлардан ўрин олган қисқача луғат ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишга ва лингвистик компетенцияларини шакллантиришга хизмат қилган;

тадқиқот давомида ишлаб чиқилган, илмий асосланган, такомиллаштирилган усуллар ва лексика тараққиётида идиоматиканинг ўрни, хусусан, қўшма сўзларнинг ясалишига, кенгайишига оид назарий хулосалар Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида бажарилган ФА-Ф1-Г041 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳага татбиқ этилди. (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2016 йил 14 декабрдаги ФТК 03-13/903 сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларидан «Ижтимоий-сиёсий терминларнинг қисқача изоҳли луғати»ни яратишда фойдаланилди. Илмий натижалар луғавий бирликларнинг изоҳланишида асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш; шулардан, 15 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда, 11 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг асосий ҳажми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг жорийланиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги ҳамда тадқиқотнинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Тилшуносликда идиоматик қўшма сўзлар тавсифи ва тадқиқи даражаси**» деб номланган биринчи бобида жаҳон тилшунослигида қўшма сўзларнинг ўрганилиши, қўшма сўзларнинг талқини

ва таърифи масаласига муносабат билдирилган, ушбу тил бирликларининг лисоний моҳияти, ёндош ҳодисалардан фарқи ёритилган.

Маълумки, қўшма сўзлар тилнинг луғат таркибини бойитувчи, ташқи оламдаги воқеа-ҳодисаларнинг турлича инъикосини ўзида мужассам этган лексик бирликлар сирасига киради. Қўшма сўз ясалиши жараёнида нарсаси, предмет, ҳодисанинг фарқланишга асос бўлган хусусий жиҳатлари, белгилари алоҳида бўрттириб кўрсатилади ёки турли мантикий муносабатларни ифодалаш мақсади кўзда тутилади. Қўшма сўзлар борлиқни аниқ акс эттирувчи ва тилда тежамкорлик тамойилини ўзида мужассам этган лексик бирликлар сирасига киради.

Жаҳон тилшунослигининг структур-функционал парадигмаси доирасида қўшма сўзлар юзасидан қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, А.Ҳожиев, Б. Мадалиев, Н.Маматов, О.Д. Мешков, И.В.Арнольд ва И.Плаглар қўшма сўзларни сўз ясалиши нуқтаи назаридан икки ёки ундан ортиқ негизнинг бирикувидан ҳосил бўлган лексик бирлик сифатида баҳолайдилар.¹

Узоқ йиллар давомида қўшма сўзлар тадқиқида асосий эътибор уларнинг семантик-структур, функционал ҳамда деривацион хусусиятларини ўрганишга қаратилган. Жумладан, И.Иброҳимхўжаевнинг тадқиқотида инглиз тилида қўшма сўзларнинг бирикиш механизми янги сўзлар ва окказионализмлар мисолида таҳлил этилган.² Е.А. Дюжикова қўшма сўзларда метафорик маъно кўчишини тадқиқ қилган³.

Сўнгги йилларда қўшма сўзларнинг концептуал таҳлиliga оид тадқиқотлар ҳам юзага келди. Жумладан, Н.А.Шток инглиз тилидаги қўшма отларнинг когнитив асосини ўрганиб,⁴ уларнинг ясалишида концептуал интеграция назарияси асосий мезон эканлигини илмий асослаб берди. А.Ю.Феденко ҳозирги инглиз тилидаги *инсон* ва *артефакт* концептуал-мавзуй гуруҳига кирувчи икки комонентли қўшма отларни тадқиқ қилди.⁵

Кўринадики, инглиз ва ўзбек тилларидаги идиоматик қўшма сўз (ИҚС) ларнинг концептуал хусусиятлари қиёсий аспектда махсус тадқиқот объекти бўлган эмас. Юқорида қайд этилган тадқиқотлардан фарқли тарзда диссертацияда инглиз ва ўзбек тилларидаги ИҚСнинг когнитив-семантик структураси, оламнинг лисоний манзарасидаги ўрни каби масалалар монографик аспектда таҳлил этилди.

¹ Ҳожиев А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. – Т.: Фан, 1963. – Б.7; Мадалиев Б. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма сўзлар. – Т.: Фан, 1965. – Б. 63-64; Маматов Н. Ўзбек тилида қўшма сўзлар. – Т.: Фан, 1982; Мешков Д.О. Словосложение в современном английском языке. – М.: Высшая школа, 1985. – С. 69; Arnold I.V. The English Word. – М.: Высшая школа, 1986. – С. 150; Ingo Plag. Word-formation in English. – Cambridge: Cambridge University Press. 2002. – p.135.

² Ибрагимходжаев И. Сложение как способ образования новых и окказиональных слов в современном английском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1979. – С. 1-7, 22,23.

³ Дюжикова Е.А. Метафора в словосложении. – Владивосток: Дальневосточного государственного университета, 1990. – С.73.

⁴ Шток Н. А. Когнитивные механизмы формирования новых сложных существительных в современном английском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Калининград, 2008. – С. 3.

⁵ Феденко А.Ю. Двухкомпонентные сложные существительные как модели репрезентации знаний о человеке и артефактах в современном английском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тамбов: ТГУ имени Г.Р. Державина, 2015. – С. 5.

Тилшуносликка «идиома» термини Г. Суит¹ томонидан киритилган. «Идиоматиклик» термини эса илк бор Ш.Балли томонидан фразеологик бирликларга нисбатан қўлланилган.² Ч.Хокетт морфемадан синтактик бирликкача бўлган тил бирликларининг идиоматиклик касб этиши мумкинлигини таъкидлаган.³

Идиома ва *идиоматиклик* терминларига қуйидагича ойдинлик киритиш мумкин: *идиома* – маъноси таркибий қисмлари маъноси асосида белгиланмайдиган, нутқкача яхлитликка эга бўлган ўзига хос кўчма маъноли барқарор тил бирлиги, *идиоматиклик* тил бирлигининг кўчма маъно касб этиш жараёнидир. Инглиз тилида *an idiomatic expression* сўз бирикмаси ўзбек тилида *идиоматик ифода* маъносини англатади. Бунда ифода планининг хусусияти ҳақида сўз боради.

Қўшма сўзларнинг идиоматиклиги сўзнинг семантик хусусияти билан боғлиқ бўлиб, бундай ИҚСлар маъносини қўшма сўз тузилиши мезонига асосланган муайян андоза остида белгилаш мумкин эмас. Қўшма сўзнинг синхрон жиҳатдан идиоматиклиги тилнинг статик хусусияти асосида эмас, балки динамик ҳолати орқали изоҳланади, унинг маъносига метафорик ёки метонимик кўчишлар натижаси сифатида қаралади.

Идиоматиклик белгиси жиҳатидан қўшма сўзлар андозавий қўшма сўзларга нисбатан кенг семантик қўламга эга. Бундай қўшма сўзларнинг ҳосил бўлиши оламнинг қайта идрок этилиши жараёни билан боғлиқ тарзда кечади. Шу билан бирга, ИҚСлар тил эгаларининг олам ҳақидаги тасаввурлари, уни қай тарзда идрок этиши ҳақида маълумот берувчи лексик бирликлардир. А.И.Смирницкий қўшма сўзлардаги идиоматикликни унинг умумий маъноси компонентлари маъно йиғиндисидан келиб чиқмаслиги билан изоҳлайди.⁴ Қўшма сўз воқеликнинг тўғридан-тўғри номи бўлмай, инсон онги ва тафаккурининг мураккаб фаолияти маҳсули ҳисобланади. Бу, айниқса, ИҚСнинг ясалишида ёрқин намоён бўлади.

Тил бирликларидаги идиоматиклик ҳодисасини ўрганиш орқали оламни вербал ифода этишнинг ўзига хос усули ҳақида билимга эга бўлинади. Умуман, ҳар бир тил бирлигидаги идиоматиклик ҳодисасини махсус тадқиқ этиш уларнинг бевосита кузатишда кўзга ташланмайдиган ички хусусиятларини аниқлашга имкон беради. Таҳлил қилинган материаллар асосида ИҚСларга қуйидагича тавсиф бериш мумкин: *идиоматик қўшма сўзлар тузилишига кўра икки ва ундан ортиқ негизларнинг бирикувидан ҳосил бўлган, семантик жиҳатдан шаклан яхлит, умумий маъноси компонентлари маъносидан келиб чиқмайдиган воқеликни қайта идрок этиш маҳсулидир.*

Диссертациянинг «**Инглиз ва ўзбек тилларидаги қўшма сўзларда идиоматиклик: ифодаланиши, семантикаси**» деб номланган иккинчи бобида қўшма сўзларда тиллараро ва тил таркибидаги идиоматиклик, ИҚСлар

¹ Sweet H.A. A New English Grammar. Logical and Historical. Oxford, Clarendon Press, 1900. – 499 p.

² Балли. Ш. Французская стилистика. 2-е изд., стереотипное. – М.: Эдиториал УРСС, 2001. – 392 С.

³ Charles F. Hockett. A Course in Modern Linguistics. – New York: The Macmillan Company. 1958. – P. 172.

⁴ Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. – М.: Филологический факультет МГУ им. М.В. Ломоносова, 1998. – С.117.

компонентлари ўртасидаги муносабат ҳамда уларнинг семантик таҳлили хусусида сўз боради.

Тадқиқотда инглиз ва ўзбек тилларидаги структур жиҳатдан идиоматиклик хусусиятига эга бўлган қўшма сўзларнинг қуйидаги типик моделлари аниқланди ва лингвостатистик таҳлил қилинди:


Инглиз тилида: $N_{oun}+N_{oun}$: *cattail* 354, 65%; $A_{djective}+N_{oun}$: *yellowtail* 102, 18,7%; $N_{oun}+V_{erb}$: *headhunt* 37, 6,8%; $V_{erb}+N_{oun}$: *watchdog* 34, 6,2%; $N_{oun}+A_{djective}$: *headstrong* 5, 0,9%; $A_{dverb}+N_{oun}$: *early-bird* 3, 0,6%; $V_{erb}+V_{erb}$: *washstand* 3, 0,6%; $A_{djective}+V_{erb}$: *badmash* 2, 0,4%; $N_{umeral}+N_{oun}$: *secondhand* 2, 0,4%; $N_{oun}+P_{ronoun}$: *gamesome* 1, 0,2%; $A_{djective}+A_{djective}$: *bittersweet* 1, 0,2%. Жами: 544, 100%. (таҳлил қилинган мисоллар умумий сони)

Ўзбек тилида: O_T+O_T : *бўрипароқ* 287, 53,7%; $C_{ифат}+O_T$: *оланўчоқ* 115, 21,5%; $O_T+Ф_{еъл}$: *бегимсуйди* 65, 12%; $C_{он}+O_T$: *қирқоғайни* 45, 8,4%; $O_T+C_{ифат}$: *қиронқора* 13, 2,4%; $C_{ифат}+Ф_{еъл}$: *қўккйди* 3, 0,6%; $C_{ифат}+C_{ифат}$: *оқмомиқ* 3, 0,6%; $Ф_{еъл}+O_T$: *олқор* 2, 0,4%; $C_{ифат}+O_{лмош}$: *олаҳамма* 1, 0,2%; $Ф_{еъл}+Ф_{еъл}$: *босволди* 1, 0,2%. Жами 535, 100%. (таҳлил қилинган мисоллар умумий сони).


Қиёсий тилшуносликда муайян лисоний бирликларни тил таркибида ва тиллараро қиёслаш муҳим ўрин тутди. В.М.Савицкий ҳам тил таркибидаги ва тиллараро идиоматикликни фарқлайди.¹ А.А.Реформатский ўзга тилга сўзма-сўз таржима қилинмайдиган тил бирликлари идиоматиклик хусусиятига эга бўлади,² деб ҳисоблайди. Мазкур хулоса тиллараро идиоматикликка ишора қилади.

Тиллараро идиоматикликни таҳлил этишда ифода жиҳати изоморф, лекин мазмун жиҳати кўра алломорф бўлган инглиз ва ўзбек тилларидаги ИҚСлар чоғиштирилади. ИҚСнинг қайта идрок этилган маъноси унинг ифода жиҳатини ташкил этади.

Инглиз ва ўзбек тилларида ифода жиҳати тубдан фарқ қилувчи, аммо мазмун жиҳати бир хил бўлган ИҚСлар бир семантик майдонга мансуб бўла олади. Фикримизни қуйидаги чизма орқали ифодалаймиз.



Ўзбек тилидаги *отқулоқ* ва инглиз тилидаги *шу ўсимлик* турини англатувчи *sorrel* сўзи *ўсимлик* семантик майдонига бирлашади:




Мазкур ҳолатда тиллараро идиоматиклик дастлабки мисолдан тубдан фарқ қилади. Бир ўсимлик турини англатувчи ҳар икки лексеманинг ифода жиҳати бир хил эмас: *отқулоқ* ИҚС, *sorrel* эса содда сўздир.

Қўшма сўзнинг тил таркибидаги идиоматиклик хусусияти айни бирликни шу тилдаги мавжуд аналог билан чоғиштириш асосида аниқланади.

¹ Савицкий В.М. Основы общей теории идиоматики. – М.: Гнозис, 2006. – С. 39-44.

² Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М.: Аспект пресс, 2006. – С. 128.



Тил таркибидаги идиоматикликни аниқлашда ИҚС ва унинг сўзма-сўз муқобилининг қандай тил бирлиги эканлиги ҳисобга олинмайди. Баъзи ИҚСларнинг сўзма-сўз муқобили нутқда ишлатилмайди, лекин бу ҳолат тил таркибидаги идиоматикликни аниқлаш учун таҳлил ўтказишга ҳалал бермайди. Масалан, инглиз тилида *foxglove* ИҚСи «a tall plant with purple or white flowers shaped like bells growing up its stem» [OALD 2010: 615] бўлиб, ўзбек тилида *дигиталис* (доривор ўсимлик тури)ни англатади. Мазкур ИҚСнинг ўзбек тилига сўзма-сўз таржимаси қуйидагича: *fox* – *тулки*, *glove* – *қўлқоп*.

Ўзбек тилидаги касаллик номини англатувчи *отпайноқ* ИҚСи «болдир-панжа бўғими қимирламайдиган бўлиб қотиб қолган, оёқ панжа кафт томонга (остиға) букилиб қолган панжа»ни ифодалайди [ТТИЛ I, 2003: 163], борлиқда *отнинг пайноғи* ва *тулкининг қўлқопи* бўлмайди.

ИҚС таркибидаги ясовчи элементлар мазкур лексик birlikнинг маъносига ойдинлик киритишга ёрдам беради. Масалан, *gold-digger* «a person who uses the fact that he or she is attractive to get money from a relationship with sb» [OALD, 2010: 667] (*gold* – *олтин*, *digger* – *қазувчи*) ИҚСи ўзбек тилида *товламачи шахс* маъносини англатади. Сўз ясовчи *-er* суффикси ИҚСга баъзи бир таркибий-семантик мотивланганлик маъносини беради ва композитнинг идиоматиклик даражасини камайтиради.

Ўзбек тилида ҳам «икки томонга икки хил муомала қиладиган, мунофиқ, риёкор» [ЎТИЛ II, 2006: 187] маъносини англатувчи *иккиюзламачи* ИҚСидаги *-чи* аффикси, сўз ясалишида икки компонент қайта идрок этилган бўлса-да, тил эгасига сўз маъносини тушунишга яқиндан ёрдам беради. Ушбу сўзда идиоматиклик даражаси паст.

Қўшма сўзлар грамматик маъносига кўра ҳам идиоматик бўлиши мумкин. Масалан, *bookseller* қўшма сўзи («a person who sells books») [MEDAL 2002: 149] (*book* – *китоб*, *seller* – *сотувчи*)да «a person», «who» ёрдамчи сўзлари, феълнинг учинчи шахс birlik шаклини ифодаловчи «s» морфемаси ва ниҳоят, эга-кесим ва тўлдирувчи муносабатини англатувчи маъноларнинг барчаси ушбу қўшма сўз семантикасига сингиб кетган. Мазкур сўз ясалиши грамматик жараён билан боғлиқ ҳолда кечади, бироқ бу жараён зоҳиран акс этмагани боис, қўшма сўздаги идиоматикликни «грамматик идиоматиклик» деб аташ лозим.

ИҚСларнинг семантик хусусияти асосида уларда бирламчи ҳамда иккиламчи идиоматиклик фарқланади. Қўшма сўз бирламчи идиоматиклик хусусиятига номинация жараёнида эга бўлади. Масалан, инглиз тилидаги *brainstorming* қўшма сўзи «a way of making a group of people all think about sth at the same time, often in order to solve a problem or to create good ideas» [OALD 2010: 174] луғавий маъносини англатади (*бирор-бир муаммони ҳал қилиш жараёнида турли мутахассисларнинг бир вақтнинг ўзида шу муаммо тўғрисида фикр юритиши*). Бу қўшма сўз идиоматиклик хусусиятини номинация жараёнидаёқ олган бўлиб, ИҚСнинг биринчи компоненти – *brain* метонимия ҳодисаси бўйича «олимлар»ни, иккинчи компоненти – *storming*

«олимлар фикрларининг ёғилиб келиши»ни англатади.

Ўзбек тилидаги *қуштили* ИҚСи «юпқа хамирдан учбурчак, тўртбурчак ёки ромб шаклида кесиб, ёгда пиширилган овқат»ни англатади [ЎТИЛ V, 2008: 394]. Ушбу қўшма сўз ҳам айнан таом номини олаётганда идиоматиклашган. *Қуш* лексемаси метафора (таом шакли қушнинг тилига ўхшатилган), *тили* лексемаси метонимияга учраган. Сўз ясалишида метафтонимия ҳодисаси юз берган.

Иккиламчи идиоматиклик термини қўшма сўзнинг сўз яшаш жараёнидан ташқарида янги қўшимча маъно олишига нисбатан қўлланади. Масалан, инглиз тилидаги *piledriver* «a machine for hammering PILES into the ground» [LDELС, 2006: 1048] (*pile* – қозик, *driver* – ҳайдовчи) қўшма сўзи *конёр*, *қурилишларда қозик қоқадиган қурилма* маъносини англатади. Бу қўшма сўз иккиламчи композитнинг ёрқин мисоли бўлиб, унинг «*it drives piles*» синтактик трансформациясига тўғри келади. Идиоматиклашув натижасида бу бирлик янги маънога эга бўлади, яъни: *жуда кучли зарба, бу зарбадан кейин рақиб йиқилади ва ўрнидан тура олмайди (боксда)*, «a very hard blow (PUNCH), especially in BOXING» [LDELС, 2006: 1048]. Ўзбек тилида мазкур ҳодиса кузатиловчи *темирқозик* ИҚСи аниқланди. Бу ИҚС дастлаб «уй ҳайвонларини арқони билан белгиланган жойда сақлаш учун мўлжалланган асбоб» маъносини англатган бўлса, эндиликда «Қутб юлдузи» [ЎТИЛ III, 2007: 119; IV, 2008: 62] маъносига ҳам эга.

Инглиз ва ўзбек тилларида копонентларининг қайта идрок этилишига кўра *тўлиқ* ва *қисман* ИҚСларни ажратиш мумкин. Қўшма сўзнинг барча копонентлари кўчма маънода бўлиб, қўшма сўз англатган маъно билан унинг копонентлари маънолари орасида боғланиш бўлмаса, тўлиқ ИҚС шаклланади. Масалан, инглиз тилидаги *brain-drain* «a movement of large numbers of highly skilled or professional people from the country where they were trained to other countries where they can earn more money» [LDELС 2006: 154] (*brain* – мия, *drain* – битирмоқ, *сизиб чиқармоқ*) қўшма сўзи «*катта маош эвазига бошқа давлатга кўчиб кетувчи мутахассис*» маъносини англатади. Бу қўшма сўз ҳам семантик жиҳатдан копонентлари маъноси билан боғланмайди.

Ўзбек тилидаги *бойқизи* қўшма сўзи «гавдаси қизғиш, қора юмалоқ доғлари бор ҳашарот» [ЎТИЛ I, 2006: 304] маъносини англатади. Бу қўшма сўз ҳам ҳосил бўлиш жиҳатидан тўлиқ ИҚСга мисол бўла олади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тўлиқ ИҚС таркибидаги копонентларнинг бирламчи маъноларини йўқотиши ёки мавҳумлашиб, маъно кучайтириш воситасига айланиши кузатилади. ИҚСда кузатиладиган маъно кўчиши тил эгалари тафаккурида юзага келган таассурот ва ассоциациялар натижасидир.

Компонентларидан бири ўз маъносида, иккинчиси кўчма маънода қўлланган қўшма сўзлар қисман ИҚС ҳисобланади. Масалан, инглиз тилидаги *eggplant* ИҚСи «a vegetable with shiny dark purple skin and soft white flash» [OALD 2010: 488] (*egg* – тухум, *plant* – ўсимлик) ўзбек тилида *бақлажон*ни англатади. Бу ИҚСнинг биринчи копоненти *egg* ўз маъносини йўқотган, бу лексема метафорик маъно касб этган (бақлажон шакли тухум шаклига

ўхшатишган). ИҚСнинг иккинчи компоненти *plant* эса асл маъносини йўқотмаган. Ўзбек тилида *туясандиқ* ИҚСи «катта сандиқ» [ЎТИЛ IV, 2008: 223] маъносини англатади. Мазкур ИҚСда *туя* лексемаси кўчма маънога эга. Тарихда карвон қаторидаги туяларга ортиладиган сандиқлар рўзғорда ишлатиладиган сандиқлардан ҳажм жиҳатдан катта бўлган, бу жиҳат сўз ясашиши учун когнитив асос вазифасини ўтаган.

Келтирилган мисоллардан маълум бўладики, чоғиштирилаётган тилларда қисман ИҚСларнинг ясашишида метафора ва метонимия муҳим ўрин тутди. Бу типдаги ИҚСларда компонентлардан бирини бошқа сўз билан алмаштириб бўлмайди, негаки қўшма сўз воқеликни компонентлари орқали алоҳида-алоҳида эмас, балки яхлит ҳолда акс эттиради. ИҚС компонентлари семантик жиҳатдан бир-бири билан шундай қоришиб кетадики, улар кўп ҳолларда яхлит мустақил бирликлар сифатида қабул қилинади.

Учинчи боб **«Инглиз ва ўзбек тилларидаги идиоматик қўшма сўзларнинг концептуал-деривацион таҳлили»** деб номланган бўлиб, унда ИҚСларнинг ясашишида концептуал метафора, концептуал метонимия, метафтонимия ва концептуал интеграция назарияси фаол когнитив механизмлар сифатида тадқиқ қилинди.

Тилшуносликнинг антропоцентрик парадигмасида деривация концептуал мақомга эга. Л.В.Бабинанинг фикрига кўра, концептуал деривация когнитив жараёни акс эттиради, инсон концептуал тизимида шаклланиб бўлган билим асосида янги концептуал билим ҳосил бўлади.¹ Концептуал деривация аниқ концептлар ўртасида алоқа мавжуд эканлигини назарда тутган ҳолда асосий концепт ва унинг замини асосида пайдо бўлган концептларнинг ўзаро алоқасини таъминлайди.

Инсон сўз яшаш жараёнида тил бирликларининг маъноси ва шаклини тайёр ҳолдагидек қўлламайди², Е.С.Кубрякова таъбири билан айтганда, «инсон тайёр лисоний либосга тафаккурни кийгизиш қўймайди»³, аксинча, ўз фикрини шакллантириб, унга мос келадиган тил бирликларини танлайди ва унинг ижросини ҳар бир аниқ нутқ фаолияти жараёнида таъминлайди. В.Крофт ва Д.Крузларнинг фикрича, сўз маъноси фақат семантикада туғилмайди ва шаклланимайди, балки сўз маъноси концептуал даражада ўзининг когнитив тузилиш асосига эга.⁴ Ш. Сафаровнинг қайд этишича, «Категория – ҳаракатдаги ҳодиса. Бу эса маъно ҳодисаси когнитив талқиннинг ҳам доимий тараққиётида бўлишини тақозо этади. Когнитив семантиканинг асосий вазифаси маъно тузилишини акс эттирувчи ментал қолиплар, шаклларнинг воқеийлигини, уларнинг имкониятларини аниқлаш, тўғрироғи –

¹ Бабина Л.В. Концептуальные основы словообразования // Когнитивные исследования языка. Вып. IV. Концептуализация мира в языке: коллективная монография / гл. ред. Е.С. Кубрякова, отв. Ред. Н.Н. Болдырев. – М.: Ин-т языкознания РАН; Тамбов: Изд-во ТГУ им. Г.Р. Державина, 2009. – С. 132.

² Болдырев Н.Н. Антропоцентрическая сущность языка в его функциях, единицах и категориях // Вопросы когнитивной лингвистики. – Тамбов, 2015. – № 1. – С.5.

³ Кубрякова Е.С. Язык и знание. (на пути знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения, роль языка в познании мира). – М.: Языки славянской культуры, 2004. – С.14.

⁴ Croft W. and D. Alan Cruse. Cognitive Linguistics. – New York: Published in the United States of America by Cambridge University Press, 2004 – P. 30.

кўрсата олишдир»¹.

Инсон тўпланган ва тафаккурида категорияларга бирлаштирилган билимлар ҳисобига оламни қайта англайди. Бу жараёнда тилда ИҚСлар юзага келади.

Тилшуносликда концептни таҳлил қилишнинг ўзига хос методлари мавжуд. Жумладан, Ж. Лакофф ва М.Жонсонларнинг концептнинг метафорик таҳлили ҳақидаги фикрига кўра, метафора образли схемаларнинг бир концептуал майдондан бошқасига ўтишини таъминловчи фундаментал когнитив операция вазифасини бажарувчи восита ҳисобланади. Шунингдек, олимлар метафорик ҳосила маънонинг пайдо бўлишида икки когнитив майдон, яъни «манба майдони» (source domain) ҳамда «мақсад майдони» (target domain) иштирок этишини кўрсатадилар.² «Манба майдони» инсоннинг тажрибаси орқали борликни идрок этишидаги аниқ билимлари йиғиндисидир. «Мақсад майдони» эса нисбатан кам ойдинлашган, аниқлашган муқаррар билимдир. Масалага ойдинлик киритадиган бўлсак, метафора орқали маъно кўчиши содир бўлганда инсон тилнинг луғат таркибидаги мавжуд бирликлар ва эгаллаган билимидан фойдаланади. Ушбу ҳолат «манба майдони» вазифасини ўтайди. «Мақсад майдони» эса инсон тафаккурида тайёр тил бирликлари орқали ҳосил қилинадиган янги ҳосила маънодир.

Англашиладики, метафора оламни идрок этишнинг ўзига хос воситаси, тилда янги маънони юзага келтирувчи когнитив механизмдир. Ташқи оламда жадал суръатлар билан юз бераётган ўзгаришлар, турли кашфиётлар натижаси ўлароқ онгимизда ҳосил бўлган янги тушунчаларга ном бериш жараёнида инсон тафаккурида таҳлилларни амалга оширишда метафора муҳим ўрин тутати. Демак, метафора нафақат тил ҳодисаси, балки тафаккур ҳодисаси ҳамдир. Бу хулоса ўз вақтида А.Ричардс, Хосе Ортега-И-Рассет томонидан ҳам қайд этилган.

ИҚСларнинг ясалишида концептуал метафора *манба майдони* ва *мақсад майдонининг* ўзаро мослашиши орқали воқеланади. Масалан:

АРТЕФАКТ + ЎСИМЛИК ← ИНСОН

манба майдони *мақсад майдони*

Инглиз тилидаги *wallflower* «a person who does not share (fully) in a social activity because of lack of CONFIDENCE or unpopularity, especially a woman who has not been invited to dance» [LDELC 2006: 1547] (*wall* – *девор*, *flower* – *гул*) ИҚСи *кечада рақсга таклиф қилинмай, кавалерсиз қолган аёл* маъносини англатади. Бу ИҚСда концептуал метафора қуйидагича кечади: ИҚСнинг иккинчи компоненти қуйидаги луғавий маънога эга: *flower* «a part of a plant, often beautiful and coloured, that produces seeds or fruit» [LDELC 2006: 525]. ИҚС маъносининг шаклланишида бу лексема етакчилик қилади. *Flower* лексемаси ЎСИМЛИК деб номланувчи концептнинг когнитив майдонига мансуб. ИҚС ясалиш жараёнида ЎСИМЛИК концепти *манба майдони* ҳамда ИНСОН концепти *мақсад майдони* ўртасидаги ўхшашлик аниқланади. *Flower* лексе-

¹ Сафаров Ш. Семантика. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – Б.239.

² Lakoff, G., Johnson, M. Кўрсатилган асар. (2003). – Б. 266; Croft W., D.Alan Cruse.Кўрсатилган асар. (2004).– Б. 195.

масининг *гул* семаси ЎСИМЛИК концептининг манба майдонидан ўрин олади ва биринчи компонент билан боғланган концепт хусусиятларига боғланади.

